

MAY 12

2022



MINISTRY OF HEALTH OF  
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

# BIOETHICS AND LAW

International Conference

Google Scholar indexed

CYBERLENINKA

Google  
scholar



TASHKENT STATE  
DENTAL INSTITUTE

[www.tsd.uz](http://www.tsd.uz)

TASHKENT MEDICAL  
ACADEMY

[www.tma.uz](http://www.tma.uz)

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**БИОЭТИКА И ПРАВО**

**Материалы международной научно-практической конференции  
12 мая 2022 года**

**BIOETHICS AND LAW**

**Materials of the international scientific and practical conference  
May 12, 2022**

**Ташкент – 2022**



## ПРОФИЛАКТИК ТИББИЁТДА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Гўзал Фахриддиновна Шерқўзиёва

Тошкент тиббиёт академияси Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси  
доценти, т.ф.н.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, мамлакатда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳаларида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликлар профилактикаси, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва оммавий спорт ҳаракатини тиббиёт профилактикаси билан интеграциялаштириш бўйича ҳамкор ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиш ҳозирда гигиенист эпидемиолог шифокоринг бевосита вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тиббиёт соҳани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Айниқса профилактик тиббиёт соҳасида кучли қонунчилик яратилди. Хусусан санитария шифокорлари ва эпидемиологларнинг ўз фаолиятларини юритишда ҳуқуқ, вазифа ва ваколатларини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 15 июлда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган. Ушбу қонунинг иккинчи боби 10-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари белгилаб қўйилган бўлса, 11 моддада эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг ваколатлари белгилаб қўйилган. Уларнинг ваколатларига хусусан санитария-эпидемиология хизматига раҳбарлик қилиш, давлат санитария назоратининг асосий вазифаларини ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилаш; санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тасдиқлаш; атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир норматив-техник ҳужжатларни тасдиқлаш; профилактик эмлашларнинг миллий тақвимини ва эпидемик кўрсаткичлар бўйича профилактик эмлашлар ўтказиш тартибини тасдиқлаш ва бошқалар. Ушбу қонунда нафақат санитария шифокорларининг ваколатлари балким ҳуқуқлари



хам белгилаб қўйилган, яъни 2 боб 12-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари кўрсатилган. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилади: санитария қоидаларининг, нормаларининг ва гигиена нормативларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган ҳолда, давлат органларидан ва бошқа органлардан, юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг бартараф этилишини талаб қилиш ва бошқалар.

Қонунинг 13-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган, хусусан давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги таъминланиши устидан белгиланган тартибда назорат олиб бориши. аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик бузилишларининг олдини олиши, уларни аниқлаши ва бартараф этиши; ва бошқалар . Бизга маълумки аҳолининг санитария эпидемиология осойишталигини таъминлашда нафақат профидлактик тиббиёт ходимларининг ваколатлари, мажбуриятлар ва ҳуқуқлар балким юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Қонунинг 3-боб. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари 15 -16 моддаларда белгилаб қўйилган . Ушбу моддаларга асосан юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар: давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ҳамда инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш ва бошқа ҳуқуқ белгилаб қўйилган бўлса, уларнинг мажбуриятларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва кўрсатмалари талабларини бажариши, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига таҳдид солувчи авария вазиятлари, технологик жараёнларнинг бузилишлари тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларга ишончли ахборот тақдим этиши шарт ва бошқа мажбуриятлари белгилаб қўйилган.



Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкин, яъни аҳолининг санитария эпидемиология осойишталигини таъминлашда энг аввало санитария шифокори ўзининг ваколатлари, ҳуқуқлар ва мажбуриятларини билиши ва унга амал қилиши зарур. Шу билан бирга юридик ва жисмоний шахслар ҳам аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўлиқ амал қилишлари шарт.



## CONTENTS | MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ

1. Arda, B. (2022). HUMAN RIGHTS IN MEDICINE: THE CONSENT SUBJECT DETERMINING THE LINE THROUGH THE AGES. *TSDI & TMA Conference*, 8. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-8>
2. Беляева, Е. В. (2022). О ВОЗМОЖНОСТИ РЕАЛИЗАЦИИ БИОЭТИКИ ПРИ ВООРУЖЕННЫХ КОНФЛИКТАХ. *TSDI & TMA Conference*, 9-12. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-9-12>
3. Вихров, И. П. (2022). НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ И ПУБЛИКАЦИОННАЯ АКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МЕДИЦИНЕ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ. *TSDI & TMA Conference*, 13-16. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-13-16>
4. Гурылева, М. Э., & Нажметдинова, Ф. Т. (2022). ОРГАНИЗАЦИЯ ЭТИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ИССЛЕДОВАНИЙ С УЧАСТИЕМ ЛЮДЕЙ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ COVID-19 (ОПЫТ РАБОТЫ ЛОКАЛЬНОГО ЭТИЧЕСКОГО КОМИТЕТА КАЗАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО МЕДИЦИНСКОГО УНИВЕРСИТЕТА). *TSDI & TMA Conference*, 17-20. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-17-20>
5. Дехтерева, Л. П. (2022). ПРАВОСОЗНАНИЕ И ПРАВОВАЯ КУЛЬТУРА – ВЗАИМОСВЯЗЬ И АКТУАЛЬНОСТЬ. *TSDI & TMA Conference*, 21-24. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-21-24>
6. Кубарь, И. О. (2022). ИСТОРИЧЕСКИЙ КОНТЕКСТ ЭТИЧЕСКИХ ВЫЗОВОВ ИСПЫТАНИЯ ВАКЦИН В ЧРЕЗВЫЧАЙНОЙ СИТУАЦИИ – COVID-19. *TSDI & TMA Conference*, 25-27. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-25-27>
7. Мухамедова, З. М. (2022). ЭТИЧЕСКАЯ СТРАТЕГИЯ ЗАКОНОТВОРЧЕСТВА В ОБЛАСТИ БИОЭТИКИ И ПРАВ ЧЕЛОВЕКА. *TSDI & TMA Conference*, 28-32. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-28-32>
8. Фалько, В. И. (2022). СУБСТАНЦИАЛЬНЫЕ И ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ОСНОВАНИЯ БИОЭТИКИ И ПРАВА. *TSDI & TMA Conference*, 33-37. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-33-37>
9. Abdullayeva, G. J., & Sattorova, D. G. (2022). GLOBAL BIOETIKANING AXLOQIY MUAMMOLARI. *TSDI & TMA Conference*, 38-41. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-38-41>
10. Aliyeva, F. R. (2022). TIBBIYOT XODIMLARINING HUQUQIY JAVOBGARLIGI. *TSDI & TMA Conference*, 42-45. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-42-45>
11. А.У. Абдуллаев & Мухамедова З.М. (2022). НРАВСТВЕННАЯ ОСНОВА ВРАЧА В КОНТЕКСТЕ ДЕОНТОЛОГИЧЕСКИХ И БИОЭТИЧЕСКИХ ТРЕБОВАНИЙ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ПРАКТИКИ. *TSDI & TMA Conference*, 46-48. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-46-48>
12. Мустафаев, У. У. (2022). ТИББИЙ ТАЪЛИМ ВА ФАЛСАФА. *TSDI & TMA Conference*, 49-54. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-49-54>
13. Убайдуллаева Ч., З. М. Мухамедова (2022). ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИЯ БИОЭТИКИ. *TSDI & TMA Conference*, 55-58. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-55-58>
14. Abdujabborova, U. M., Sobirjonov, A. Z., & Tuxtaxodjayeva, F. (2022). TURLI DINLARDA DINIY ONG VA AXLOQIY ME'YORLARNI ASOSLASH. *TSDI & TMA Conference*, 59-63. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-59-63>

